

“AGRO FINANS LIZING” АЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши
Б А Ё Н Н О М А С И

Йиғилиш ўтказилган жой: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Чилонзор даҳаси, 20А-мавзе, 9-уй.

Йиғилиш ўтказилган сана ва вақти: 2021 йил 24 сентябрь, соат 11-00.

Йиғилиш тури: Навбатдан ташқари.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кузатув кенгашининг 2021 йил 25 августдаги йиғилиш қарорига асосан чақирилган.

Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши ўтказилиши тўғрисида
акциядорларга маълумот етказиш:

2021 йил 31 августдаги “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 69(2847)-сонида тегишли ахборот эълон қилинган.

Жамият томонидан чиқарилган жами акциялар сони 267 400 000 дона эгасининг номи ёзилган оддий акцияларни ташкил қилади.

Йиғилишга қатнашганлар:

1. “Агробанк” АТБ вакили банкнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи Ш.Т.Очилов 1 173 000 та овоз билан (2021 йил 25 январдаги 3-сонли ишончнома);

2. “LEADER FINANCE” МЧЖ директори М.Ў.Тиркашев 266 215 500 та овоз билан.

Йиғилиш кворуми 99,99 фоизни ташкил қилади.

Таклиф этилганлар:

Жамият Бошқарув раиси	У.К.Холжигитов
Жамият Бошқарув раиси ўринбосари	С.М.Лафасов
Жамият бош ҳисобчиси	Ш.Н.Бобомуродов
Жамият бош ҳисобчи ўринбосари	Н.А.Умбетова
Жамият ҳуқуқшуноси	Д.Д.Примов
Жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси	Б.Ф.Мухамадиев
Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси	М.М.Жумаев

Йиғилишни жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Т.Очилов олиб борди ва йиғилишда қуйидаги тартибда овоз беришни таклиф қилди:

- йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини тасдиқлаш - очиқ овоз бериш йўли билан;
- йиғилишнинг кун тартибидаги масалалар бўйича - ёпиқ овоз бериш йўли билан (овоз бериш бюллетенлари орқали).

Таклиф овозга қўйилди.

Таклиф очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан тасдиқланди.

Жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Т.Очилов умумий йиғилишни конун доирасида олиб бориш учун умумий йиғилиш Президиуми, раиси ва котибини сайлаш учун номзодларни кўрсатишни таклиф этди.

Жамият бош ҳисобчиси Ш.Н.Бобомуродов сўзга чиқиб, қуйидаги номзодларни умумий йиғилиш Президиумига, йиғилиш раислиги ва котиблигига сайлашни таклиф қилди.

- йиғилиш Президиуми:

1. Ш.Т.Очилов - Жамият кузатув кенгаши аъзоси, “Агробанк” АТБнинг Ғазначилик департаменти Қимматли қоғозлар бошқармаси бошлиғи Ш.Т.Очилов;

2. У.К.Холжигитов - Жамият Бошқарув раиси.

- йиғилиш раиси - Ш.Т.Очилов;

- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

Очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан қуйидагилар сайланди:

- йиғилиш Президиуми - Ш.Т.Очилов, У.К.Холжигитов;
- йиғилиш раиси - Ш.Т.Очилов;
- йиғилиш котиби - Н.А.Умбетова.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини очик деб эълон қилди.

Йиғилиш раиси: Ш.Т.Очилов - Жамият кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби: Н.А.Умбетова - Жамият бош ҳисобчи ўринбосари.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖ кузатув кенгаши томонидан тайёрланган ва 2021 йил 31 августдаги “BIZNES Daily Биржа” иқтисодий газетасининг 69(2847)-сонида эълон қилинган йиғилиш кун тартибини ўқиб эшиттирди.

КУН ТАРТИБИ:

- 1.Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
- 2.Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
- 3.Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш.

1. Кун тартибидаги биринчи масала (*Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш*) бўйича йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов сўзга чиқиб, “AGRO FINANS LIZING” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишида акциядорларни рўйхатга олиш, овоз бериш бюллетенларини тарқатиш, овозларни санаб чиқиш учун санок комиссияси таркибига қуйидаги номзодларни таклиф қилди:

- Примов Дилшод Давронович - Жамият ҳуқуқшуноси.
- Мухаммадиев Бехзод Фарходович - Жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси.
- Жумаев Мансур Муродуллаевич - Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

2. Кун тартибидаги иккинчи масала (*Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш*) бўйича йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов сўзга чиқиб, акциядорларни йиғилиш регламенти билан таништирди.

Йиғилиш Регламенти:

1.Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш (**Маърузачи: Йиғилиш раиси - Ш.Т.Очилов**) 10 дақиқа;

2.Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш (**Маърузачи: Йиғилиш раиси - Ш.Т.Очилов**) 10 дақиқа;

3.Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш (**Маърузачи: Жамият Бошқарув раиси - У.К.Холжигитов**) 10 дақиқа;

- Мунозаралар учун - 10 дақиқа;
- Маълумотлар ва саволларга жавоб бериш учун - 10 дақиқа;

- Овоз бериш ва бюллетенларни йиғиш учун - 10 дақиқа.

Йиғилишни 1(бир) соат давомида, яъни соат 12-00 га қадар танаффуссиз тугатишни таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

3. Кун тартибидаги учинчи масала (*Жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш*) бўйича жамият Бошқарув раиси У.К.Холжигитов сўзга чиқиб, қуйидагиларни маълум қилди.

“AGRO FINANS LIZING” АЖ томонидан қўшимча акциялар чиқарилиши тўғрисидаги қарорига (16.07.2021 йил, рўйхат рақами Q0677-7) асосан чиқарилган 170 000 000 дона қўшимча оддий акциялар 30.07.2021 йилда “Leader Finance” МЧЖга тўлик (100 фоиз) жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 18-моддасига асосан жамиятнинг устав фондини кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдоридан рўйхатдан ўтказилади. Бунда жамият уставида кўрсатилган, эълон қилинган муайян турдаги акцияларнинг сони ушбу турдаги жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг сонига камайтирилиши керак.

Шу сабабли жамият Уставига тегишли ўзгартишлар киритилиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9 февралдаги 66-сонли қарори билан тасдиқланган “Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомнинг 21-бандига асосан таъсис ҳужжатларига ўзгартириш ва (ёки) қўшимчалар киритиш таъсис ҳужжатларни янги таҳрирда қабул қилиш йўли билан амалга оширилади.

Шу сабабли жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини ишлаб чиқилди. Жамиятнинг янги таҳрирдаги Устави илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 59, 60-моддаларига асосан жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киради ҳамда ушбу масала бўйича қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг тўртдан уч қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

Шундан сўнг, йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов сўзга чиқиб, жамиятнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлашини таклиф қилди.

Ушбу таклиф овозга қўйилди.

Овоз бериш натижалари:

“Тарафдор” - 100%, 267 388 500 та овоз, “Қарши” - 0, “Бетараф” - 0.

Кун тартибида кўриб чиқилган масалалар бўйича билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда овоз бериш натижаларига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши санок комиссияси таркибига қуйидагилар тасдиқлансин:

- Примов Дилшод Давронович - Жамият ҳуқуқшуноси.
- Мухамадиев Бехзод Фарходович - Жамият ходимлар бўйича бош мутахассиси.
- Жумаев Мансур Муродуллаевич - Жамият сервис бўйича етакчи мутахассиси.

2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Жамиятнинг янги тахрирдаги Устави тасдиқлансин.

Йиғилиш раиси Ш.Т.Очилов акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши кун тартибидаги барча масалалар батафсил кўриб чиқилганлигини маълум қилди ва умумий йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Баённома 2021 йил 24 сентябрда тузилди ва имзоланди.

Йиғилиш раиси



Ш.Т.Очилов

Йиғилиш котиби



Н.А.Умбетова